



## ЗАМОНДОШ ОБРАЗИНИ ЯРАТИШДА БАДИА ЖАНРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ (А. КЎЧИМОВНИНГ О. ЁҚУБОВ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРИ МИСОЛИДА)

**Мансурова Умидахон  
Иброхимовна.**

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил  
излатувчиси*

Annotatsiya

Ушбу мақола таниқли адиб Абдусайд Кўчимовнинг “Буни ҳаёт дейдилар” номли бадиаси мисолида замондош образини яратишда бадиа жанрининг ўзига хос имкониятлари ва бадий-публицистик аҳамиятини таҳлил қилишга бағишланган. Асарда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг ҳаётининг сўнгги йиллари, ички кечинмалари ва адабий қарашлари юксак самимият билан очиб берилган. Тадқиқотда бадиа жанри орқали улуғ ёзувчининг ижодий масъулияти, камтарлиги ва шахсий изтироблари муаллифнинг кузатувлари ва хотиралари параллелида тадқиқ этилади.

**Kalit soʻzlar:** бадиа жанри, Одил Ёқубов, Абдусайд Кўчимов, замондош образи, хотира ва мемуар, бадий-публицистика, ижод психологияси, ҳаёт ҳақиқати, устоз ва шогирд, бадий маҳорат.

Таниқли адиб Абдусайд Кўчимовнинг “Буни ҳаёт дейдилар” номли бадиаси ўзининг ҳаётлиги ва таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг сўнгги кунлари ва у киши билан боғлиқ хотиралар теран ифодаланган. Муаллиф устоз адибга бўлган чексиз соғинч ва эҳтиромини ички бир дард, самимият билан қаламга олади.

Биламизки, “БАДИА - (арабча – мислсиз янгилик; нафис, гўзал сўздан олинган) йирик санъаткорлар, олимлар, адиб ва адабиётшунослар, бир сўз билан айтганда, ижод ва ижодкорлар ҳақида яратилган у қадар катта ҳажмга эга бўлмаган бадий-публицистик асар. Бадидада тасвирланаётган воқеа-ҳодисага, бадий тадқиқ қилинаётган шахс характерининг у ёки бу жиҳатига муаллиф муносабати ошкор сезилиб туради. Натижада бадиа ғояси аксарият ҳолда асар тўқимаси ва уни ташкил қилган компонентлар воситасида эмас, балки муаллиф кузатувларининг хулосаси сифатида намоён бўлади”<sup>1</sup>.

Абдусайд Кўчимов ҳам мазкур жанр имкониятларидан унумли фойдаланиб, ўз кўрган-кечирганларини ва ёзувчи билан бўлган суҳбатларни ҳеч қандай бўрттиришларсиз, бор ҳақиқати ва шахсий мулоҳазалари билан очиб беради. Бу эса, шубҳасиз, адабиётимиз тарихи учун қимматли манбадир.

<sup>1</sup> <https://www.e-adabiyot.uz/maqola/554>

Асарнинг биринчи қисмида муаллифнинг адиб дўстлари Пирмат Шермухамедов ва Муҳаммад Али билан бирга устозни йўқлаб уйига боргани ҳамда у ерда кечган суҳбатга бўлган муносабати акс этган. Бадида келтирилган қуйидаги мулоҳаза адабий жараёни баҳолаш жиҳатидан жуда қимматлидир: “– *Ўзбек прозасини баландда учиб бораётган бир қуш десак, Одил Ёқубов билан Пиримқул Қодиров унинг икки қанотига ўхшайди, – деди Пирмат Шермухамедов. – Буларсиз насримиз кўримсиз, камбағал ва гариб бўлиб қоларди. – Аммо иккови икки дунё, – деди Муҳаммад Али ўйчан*”<sup>2</sup>.

Сўнгра 1980 йилларда Москвадаги Кремль Съездлар саройида ўша замон халқ депутатларининг мажлисида бўлиб ўтган тарихий воқеалар эсланади. Одил Ёқубов бу хотираларни жўшиб-ҳаяжонланиб сўзлар экан, ўшанда Ислон Каримовнинг жасорати ва ёрдамисиз ҳеч нарса қила олмаганини алоҳида таъкидлайди. Абдусайд Кўчимов эса устозининг бу эътирофини юксак камтарликка менгзайди, устозини аллома атайди ва адибнинг умри ҳамда ижодини бошдан-оёқ жасорат деб билади: “*Тасодифга қурилган жасоратнинг умри қисқалигини Одил Ёқубовдек аллома адиб билмайдими? Унинг умри, унинг ижоди бошдан-оёқ жасоратлардан иборатдек эмасми? “Эр бошига иш тушса”, “Улугбек хазинаси” қайси жасоратдан кам? “Диёнат”, “Оққушлар, оппоққушлар”-чи?..*”<sup>3</sup>

Асарнинг иккинчи қисмида Одил Ёқубовнинг Бош муҳаррир ўринбосари вазифасида хизмат қилган йилларида Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан бажарилган ишлар салмоғи ва замондошлар ёдга олинади. Туш чоғи Одил Ёқубовнинг хонаси одамга тўлиб кетиши, уларнинг шахмат ўйини ва бу баҳсда барчани доғда қолдирган адибнинг маҳорати ҳақида сўз юритилади. Устознинг ҳар бир ғалабадан сўнг айтадиган “*Буни ҳаёт дейдилар!*” деган ибораси асарнинг бош ғоявий чизиғини белгилаган.

Бадида адибни устоз ва эл оқсоқоли сифатида тасвирланиши унинг доно фикрлари ва ўғитлари орқали кўрсатилади. Бу эса санъаткорнинг умр сўнггидаги ички кечинмалари ва фалсафий мушоҳадалари билан бизни яқиндан таништиради: “– *Умр – ўткинчи меҳмон. Умр – дарё, оқиб кетганини билмайсан, – дедилар хўрсиниб. – Бирпасда саксондан ошиб, ҳолвадай пишиб ўтирибмиз... Аммо инсон боласига қарилликдан гурбати йўқ... Агар битта талабгор топилганда, қарилликнинг ўттиз йилини ёшликнинг ўттиз дақиқасига жон-жон деб алмаштирган бўлар эдим*”<sup>4</sup>. Муаллиф устозининг ушбу таъсирли сўзларидан илҳомланиб, кейинчалик “Устознинг деганлари” номли туркум шеъри дунёга келганини қайд этади.

Бадианинг учинчи қисмида Одил Ёқубовнинг ички кечинмалари баёни билан бир қаторда, муаллифнинг шахсий фикр-туйғулари ҳам параллел равишда акс эттирилади. Унда устоз адиб ўтган вақтнинг қайтмаслиги, кексаликдаги афсусларнинг бефойдалиги, тез чарчаб қолиши ва бу ҳолатлар ижодкорга алам қилишини изтироб билан баён этади. Абдусайд Кўчимов эса устозининг саксон тўрт ёшида ҳам “Осий банда”дек бекиёс романни ёза туриб, чарчокдан

<sup>2</sup> Абдусайд Кўчимов 3 жилд (Публицистика). - Тошкент: “Akademnashr”, 2021. - 223 б.

<sup>3</sup> Абдусайд Кўчимов 3 жилд (Публицистика). - Тошкент: “Akademnashr”, 2021. - 227 б.

<sup>4</sup> Абдусайд Кўчимов 3 жилд (Публицистика). - Тошкент: “Akademnashr”, 2021. - 228 б.

нолишини таажжубли ва ибратли ҳол сифатида баҳолайди. Муаллиф кексалик ва вақт бешафқатлиги қаршисида турган улуғ адиб ҳолатини кузатар экан, ичичидан ачиниш ва катта эҳтиром билан яна устознинг севимли ибораси — “Буни ҳаёт дейдилар”, дея хулоса қилади.

Суҳбат давомида устоз адибнинг адабиётга доир турфа қарашлари, ўзбек ва жаҳон сўз санъатида яратилган йирик асарлар ҳақидаги кенг қамровли мушоҳадалари баён этилади. Айниқса, Одил Ёқубовнинг агар имкони бўлиб, вақт орқага қайтганида, ўзининг шоҳ асарлари ҳисобланган “Эр бошига иш тушса”, “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат” каби романларининг айрим ўринларига маълум тузатишлар киритган бўлишини эътироф этиши бадианинг энг кучли кульминацион нуқталаридан биридир. Бу маълумотлар улуғ санъаткорнинг умр бўйи ижодий мукамалликка интилганини, ўз асарларига нисбатан талабчанлиги сония сайин ортиб борганини кўрсатади ва мазкур хотиралар бадий ижод психологиясини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мазкур суҳбатдан сўнг икки йил ўтиб, адибнинг йиқилиб тушганини эшитади ва эртасига минг хавотирда касалхонага борганлигини айтади. Одил Ёқубовнинг касалхонадаги аҳволини кўрган Кўчимов қуйидаги ўйларни ўйлайди: *“Бир замонлар, нега энди бир замонлар бўларкан, кечагина гулдураб юрган, қаерга оёғи етса, “Одил Ёқубов келди!” деб ҳаммани ҳаяжонга солган, Московда, Кремлнинг Съездлар саройида нафақат собиқ СССРни, балки бутун ер шарини титратган улуғ инсоннинг бир бурдагина бўлиб кўрпа-тўшакка ўра ниб ётиши... Негадир юрагим увишиб кетди.”*<sup>5</sup>

Бадиа муаллифи гўёки Одил Ёқубовга ўзининг сўнгги дил сўзларини айтишга имкон бергандек, унинг ички ҳис-туйғуларига кўпроқ урғу беради. Улуғ адиб шундай юксак мақомда бўлса-да, адабиёт учун ҳали арзигулик ҳеч нарса қила олмаганини таъкидлаб, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Орипов каби ижодкорлар маҳоратини ўрнатиб қилиб кўрсатади ҳамда улуғ мунаққид Озод Шарафиддиновни хотирлайди. Шунингдек, суҳбат давомида Лев Толстой ва Чингиз Айтматовнинг ўлмас асарлари ҳақида ҳам қимматли фикрлар юритилади. Одил Ёқубов инсон умри хатолардан иборат эканлигини ва ўзи ҳам бундан мустасно бўлмаганини самимият билан эътироф этади. Унинг китобхонларга васиятнамо тарзда айтган: *“Хато қилсанглр ҳам, ёмонлик қилманглр”*, деган сўзлари нафақат суҳбатдошга, балки бутун инсониятга қаратилган юксак маънавий даъватдек янграйди. Муаллифнинг қайд этишича, устоз адиб шахсий хатолардан глобал мушоҳадаларга ўтиб, Ленин, Сталин, Маркс ва Энгельс ғоялари кетма-кетлигини бутун одамзод тарихида йўл қўйилган улкан сиёсий ва мафкуравий хато сифатида баҳолайди ва бундан чуқур афсусланишини билдиради.

Бадида муаллиф кенг китобхонлар оммасига номаълум бўлган яна бир диққатга сазовор воқеани ёдга олади. Бу хотира Одил Ёқубовдек улуғ сўз санъаткорининг умри сўнггида англаган ички ҳақиқатларини, ижодкорлик масъулиятини қай даражада теран ҳис этганини кўрсатади. Адибнинг эслашича, кунларнинг бирида унинг ҳузурига бир киши келиб, “икки дунёда ҳам ҳеч ким унута олмайдиған” бир йирик асар ёзишни таклиф қилади. У ёзувчи учун “Тоғ

<sup>5</sup> Абдусайд Кўчимов 3 жилд (Публицистика). - Тошкент: “Akademnashr”, 2021. - 235 б.

кулади” деб номланган тайёр роман сюжетини тақдим этади ва бу мавзунини фақат Одил Ёқубовгина қойилмақом қилиб ёза олишини, ҳатто бу асарни ўқиган Чингиз Айтматов ҳам лол қолиб, унга таъзим қилишини таъкидлайди. Бироқ Одил Ёқубов касбий ва инсоний самимият билан бу тақлифни рад этади. Энг қизиқарли жиҳати, ушбу воқеадан сўнг адиб ўзига хос бир ички инқироз ва оғриқни ҳис қилади: “Демак, шу пайтгача бирорта ўқимишли асар ёза олмабманда”, дея ўкинч билан хулоса чиқаради. Бу детал улуғ санъаткорларнинг ўз ижодига доимо танқидий баҳо бериши ва умр бўйи идеал излаб яшашини кўрсатувчи муҳим руҳий ифодадир.

Бадианинг якунида муаллиф Одил Ёқубов билан хайрлашиб, касалхонадан чиқаётган лаҳзаларни ёдга олади. Ўшанда улуғ ёзувчининг нигоҳида гўё унга яна нимадир демокчидек бир ифода сезилади. Орадан бир муддат вақт ўтиб, устознинг бу дунёни бутунлай тарк этгани ҳақидаги совуқ хабар келганда, муаллиф чуқур мушоҳадага толади ва ўша сўнгги учрашувдаги айтилмай қолган сўзнинг сирини англашга ҳаракат қилади. Муаллифнинг фикрича, устоз ўша лаҳзада ич-ичидан айнан “Буни ҳаёт дейдилар” деган фалсафий иборани айтмоқчи бўлган. Энг муҳими, Абдусаид Кўчимов улуғ адиб англаган ва умр бўйи амал қилган ушбу ҳаёт ҳақиқатини асарнинг умумий номига ва бош ғоясига кўчира олган ҳамда бадиа жанри имкониятлари орқали замондош образини тўлақонли очиб беришни маҳорат билан уддалаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Абдусаид Кўчимов Одил Ёқубовнинг мураккаб ички дунёси ва теран фалсафий мушоҳадаларини нозик ҳис этган ҳолда, уларни ўз шахсий мулоҳазалари ва кузатувлари билан бойитган. Бадиа ўзининг хужжатли ҳақоқонийлиги ва юксак бадиий тили билан китобхонга катта адабий ва эстетик завқ бера олади. Мазкур асар улуғ адибнинг инсоний изтироблари, адабий жараён ва жамият тарихига оид нодир қарашларини бадиий умумлаштира олгани билан замонавий ўзбек бадиачилиги ҳамда мемуар адабиётининг ноёб намунаси бўлиб хизмат қилади. Зеро, таниқли адабиётшунос олим Носир Фозилов таъбири билан айтганда “Ўзбек адабиётининг бўй-бастини Одил Ёқубовсиз, Одил Ёқубовнинг камолини эса ўзбек адабиётисиз тасаввур этиш қийин<sup>6</sup>”.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://www.e-adabiyot.uz/maqola/554>
2. Абдусаид Кўчимов 3 жилд (Публицистика). - Тошкент: “Akademnashr”, 2021. – 496 б.
3. Фозилов Носир. Топдиму йўқотмадим. Хотиралар, воқеий ҳикоялар. -Тошкент “ADABIYOT” нашриёти, 2025 йил, 412 б.

<sup>6</sup> Фозилов Носир. Топдиму йўқотмадим. Хотиралар, воқеий ҳикоялар. -Тошкент “ADABIYOT” нашриёти, 2025 йил, 307 б.